

**НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДАГИ АНТОНОМАЗИЯЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК
ТАҲЛИЛИ**

Бахтинисо Шукурова

Бухоро давлат университети талабаси

Аннотация: Мақолада, Ҳазрат Алишер Навоий қаламига мансуб "Ҳазойин ул-маоний" ("Маънолар хазинаси") қуллиётида қўлланган антономазияларнинг лексик-семантик, луғавий-бадий ва лингвоэстетик хусусиятлари ўрганилган ҳамда шоир шеъриятидаги антономазиялар тўрт турга, яъни тарихий шахс номлари асосида шаклланган антономазиялар, муқаддас Қуръондаги пайғамбарлар исмлари воситасида юзага келган антономазиялар ва бадий адабиётдаги образлар номи билан ҳосил бўлган антономазиялар тарзида тасниф этилиб, уларнинг тадқиқи амалга оширилган, адибнинг бу борадаги бадий маҳорати фактик материаллар асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: лингвопоэтика, лингвоэстетика, антономазия, мифология, тарихий шахс, талмиҳ, антропоним.

Антономазиялар ўзбек мумтоз адабиётида, хусусан, Алишер Навоий лирик ижодида салмоқли ўрин тутди. Антономазияларнинг моҳияти шундаки, унда бадий асар асосида шаклланган маълум киши исмлари (антропонимлар), мифологиянинг машҳур қаҳрамонлари ва тарихда алоҳида ўринга эга шахсларга ишора қилинади. Шарқ мумтоз адабиётшунослигида бу ҳодиса талмиҳ деб юритилади. Талмиҳ арабча сўз бўлиб, "чақмоқ чақилиши", "бир назар ташлаш" деган луғавий маъноларни ифодалайди [2, 87]. Антономазиялар насрий ёки назмий асарлар таркибида қуйидаги мақсадларга кўра қўлланилади:

асарнинг бадий- эстетик таъсирчанлигини ошириш;

бадий матндаги образнинг ижобий ёки салбий хислатларини аниқ ифодалаш;

асарда таъсирчан ва эстетик жиҳатдан юксак даражадаги бадий санъатни яратиш;

асарда ифодаланган бадий фикрни далиллаш ҳамда китобхоннинг дунёқарашини бойитиш.

Антономазияларни мазмун ва йўналишига кўра уч гуруҳга ажратиш таснифлаш мумкин:

1) турли афсоналар асосида шаклланган антономазиялар;

2) муҳим тарихий воқеалар асосида шаклланган антономазиялар;

3) адабий асарлардаги машҳур образлар асосида шаклланган антономазиялар.

Ҳазрат Навоий лирик асарлари бўйича олиб борилган таҳлилий кузатишлардан маълум бўлдики, "Ҳазойин ул-маоний" қуллиёти таркибидаги

"Ғаройиб ус-сиғар" девонида 70 дан ортиқ, "Наводир уш-шабоб" девонида 60 дан ортиқ, "Бадойеъ ул-васат" девонида 50 га яқин ва "Фавойид ул-кибар" девонида 70 дан ортиқ антономазиялар қўлланган. Юқоридаги миқдорий кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, Алишер Навоий ижодида талмиҳ санъати алоҳида ўринга эга. Шоир асарларида афсона ва ривоятлар асосида шаклланган номлар сифатида Одам, Хизр, Исо Масиҳ, Марям, Шуайб, Якуб, Жаброил, Юсуф, Нух, Сулаймон каби пайғамбарлар номларини қайд этиб ўтиш мумкин. Аёнки, бу каби номлар тилшуносликда агионим "муқаддас номлар" ёки "илоҳий номлар" деб юритилади. Адибнинг пайғамбарлар номларини шеърий асарларида антономазия сифатида қўллашига доир айрим мисолларни қуйида келтириб ўтамиз:

Лаъли бир сўз бирла юз йиллик ўлугни Хизр этар,

Гўйиё Рухуллах ушбу оби ҳайвон ичадур.

("Ғаройиб ус-сиғар")

Тавсифи: маъшуқа чиройли лаби билан сўз сўзлаганда ўлик кишининг ён атрофини Хизр алайҳиссалом каби ям-яшил ва гўзал этади, Рухуллах пайғамбар сингари ўлган одамни тирилтиради. Англашиладики, ушбу байтда шоир юз йиллик ўликнинг атрофини ям-яшил ўт-ўланлар билан беаган Хизр алайҳиссалом ва ўлган одамни тирилтириш кароматига эга Рухуллах пайғамбар номини антономазия сифатида келтириб ўтади. Байтда иккита афсонавий "оби ҳаёт" сувини ичган пайғамбарларнинг номи келтирилган. Маълумки, Хизр сўзининг луғавий маъноси "ям-яшил" дир. Бу зотнинг Хизр деб аталишига диний китобларда иккита сабаб келтирилади: а) бу зот қуриб сарғайиб қолган ўт-ўланларнинг устига ўтирганида улар чайқалиб ям-яшил бўлиб қолган; б) бу зот қаерда намоз ўқиса, ўша ер ва унинг ён атрофлари ям-яшил бўлиб қолган. Шу сабабли бу зот Хизр деб аталган.

Масиҳ игнаси Марям игирган ип била гўё,

Чигилиб, эгнига жонбахшлиғ тўни тикибдур.

("Ғаройиб ус-сиғар")

Маълумки, Исо Масиҳ пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) дан олдин яшаган пайғамбар ҳисобланади. Аллоҳ унга "Бани Исроил" қавмини ҳидоятга бошлаш учун пайғамбарлик даражасини ирода этди. Масиҳ улуғ олим Имроннинг қизи бокира аёл Марямдан туғилган. Қуръони Каримда айтилишича, Исо Масиҳ мўъжизавий ҳолатда Аллоҳнинг иродаси билан отасиз ҳолатда дунёга келган. Байтда шоир "жонбахшлиғ тўн тикмоқ" бирикмаси орқали Исо Масиҳнинг бу дунёга келиши сабабиятига ишора қилади. Қуръони Каримда бу хусусда қуйидаги оят келтирилган: "Марям Имрон қизи фаржини пок сақлаган эди, Биз унга ўз руҳимиздан пуфладик ва у Роббисининг сўзларини ҳамда китобларини тасдиқ қилди ва итоаткорлардан бўлди" [7, 124]. Марям ислом дини тушунчасига кўра солиҳа ва ҳурматга сазовор аёллардан эди. Унга ёшлигидан Закариё (а.с) тарбия берган. Бу аёл Исо Масиҳдай пайғамбарининг онаси бўлиш

бахтига муяссар бўлади. Навоийнинг мазкур байтида Майрам исми солиҳа аёл мажозий маъносида қўлланган.

Сўзунг номабарқуш йиғар айлангандек,
Наби нуқтасини Жаброили амин жам.
("Бадойеъул-васат")

Байтда худонинг хоҳишини бандаларига етказиб турувчи Жаброил алайҳиссаломга ишора қилинади. Жаброил (а.с) исломда тўрт бош фаришталардан бири (Микоил, Исрофил, Азроил билан бирга) бўлиб, диний ақидаларга кўра, у Аллоҳ иродасини пайғамбарларга етказиб, ваҳий келтирувчи, самовий офатларни ер юзида ижро қилувчидир. Барча пайғамбарларга худонинг ваҳийлари Жаброил (а.с) орқали келган. Шоирнинг юқоридаги байтида Жаброил Аллоҳнинг иродаси билан Муҳаммад (с.а в) га Қуръон оятларини етказиб берувчи маъносида қўлланган.

Пирсиз кезма бу водий ичраким топмас калим,
Тийра шомин равшан амр этмай анга хидмат Шуайб.
("Ғаройиб ус-сиғар")

Ушбу байтда устозсиз шогирдлар керакли билимни мустақил ўргана олмагани сингари, Шуайбнинг айтганига кўнмаган қавми охир-оқибат ҳалокатга юз тутганига ишора қилинмоқда. Шуайбнинг номи Қуръонда зикр этилган бўлиб, у Арабистонлик тўрт пайғамбардан бири, ўз қавмини имонга давъат этганлигидан "пайғамбарлар хотиби" деб ном олган. Шуайбнинг қавми ўз даврида савдо-сотик билан шуғулланар эди. Улар Аллоҳга ибодат қилиш ўрнига, турли хил илоҳларга сиғинар, моддий бойлик орттиришга хирс қўйган эди. Шуайб қавмини савдода ҳалолликка, бировлар ҳақиқага хиёнат қилмасликка давъат этади. Бироқ қавми унинг айтганларини эътиборга олмайди. Натижада уларнинг барчаси зилзила оқибатида ҳалок бўлади. Шоирнинг юқоридаги байтида Шуайб номи ҳалолликка давъат этувчи киши мажозий маъносида ифодаланган.

Ғарази буки, ҳабибимға қул ўлғай Юсуф,
Хусн бозорида ҳар нечаки ўзин сотадур.
("Бадойеъ ул-васат")

Тавсифи: "Ғаразим шуки, севиклимга қул бўлган Юсуф, хусн бозорида ўзининг гўзаллигини сотади". Маълумки, Шарқ мумтоз адабиётида Юсуф (а.с) гўзаллик тимсоли сифатида воқеланган. Абу Ал-Қосим ас-Суҳайлийнинг ёзишича, "Юсуфнинг жамоли Одам алайҳиссаломнинг гўзаллигининг ярмига тенг эди, чунки Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратиб, унга энг комил ва энг гўзал қиёфани берди. Унинг авлодларидан ҳеч бири гўзалликда у билан тенглаша олмайди ва Юсуфга унинг гўзаллигининг ярми берилди".

Юсуф пайғамбар ҳаёти турли манбаларда турлича талқин этилган. У Яқуб пайғамбарнинг энг сеvimли ўғли бўлиб, у ҳақда Қуръони Каримда кўп маълумотлар келтирилган. Носуриддин Рабғузийнинг "Қиссаси Рабғузий"

асарида, Дурбекнинг "Юсуф ва Зулайҳо" асарларида Юсуф пайғамбарнинг ҳаёти бадиий тасвирларда берилган. Қуръони Каримдаги Юсуф (а.с) ҳақидаги қисса "аҳсан ул-қисас", яъни (қиссаларнинг энг гўзали) деб таърифланади. Қиссада Юсуфнинг ҳаёти, бошига тушган балолар, оға-инилар ва бегоналардан кўрган кулфатлари, қудуққа ташланганлиги, Зулайҳо тухматига йўлиққанлиги, зиндонбанд бўлгани ва кўргиликларга сабр-тоқат қилиб, бутун Миср заминининг мулк-у хазинасига эга бўлганлиги, отасини топганлиги ҳикоя қилинади.

Юсуф билан боғлиқ воқеалардан бирида келтирилишича, Мисри Азизи Юсуфни қудуқдан чиқариб ўз юртига олиб кетади ва уни ўзига ўғил қилиб олади. Юсуфнинг гўзаллигини кўрган Азизнинг хотини Зулайҳо уни севиб қолади. Юсуф Зулайҳонинг севгисини рад этгандан сўнг, Юсуф тегажоғлик қилди, дея ёлғон гаплар билан зиндонга ташлатади. Навоий ўзининг юқоридаги байтида шу воқеага ишора этади.

Навоий шеърий асарларида тарихий воқеалар асосида шаклланган антономазиялар ҳам кўп миқдорда учрайди. Бунга реал ҳаётда яшашган Доро, Ҳотам, Искандар сингари антропонимларни мисол тарзида айтиб ўтиш мумкин:

Минг бандаси хоқон била қайсар янглиғ,
Юз чокари Дорову Сикандар янглиғ.
("Ғаройиб ус-сиғар")

Тавсифи: "минг кишиси хоқон билан қайсар каби, юз хизматкори Доро ва Искандар қўшини сингари". Маълумки, Доро қадимги Эрондаги аҳамонийлар сулоласига мансуб подшоҳлардан бири бўлиб, у милoddан аввалги 522-331-йилларда ҳукмронлик қилган. Аҳамонийлар сулоласининг энг охириги подшоси Доро юнон ҳукмдори Искандар Зулқарнайн билан бўлган жангда мил. ав. 331-йилда мағлубиятга учрайди ва Шарқий Эронга қочади. У ерда ўз амалдори, Бақтрия сатрапи (ҳокими) Бесс томонидан ўлдирилади. Алишер Навоий ушбу байтда Доро ва Искандар Зулқарнайн ўртасидаги тарихий воқеа (уруш)га ишора қилмоқда. Уларнинг чексиз қўшинга эгалиги маъноси байтда ўз ифодасини топган.

Ҳайрон караму жуд ишида Ҳотам анга,
Нўширавон адл ичинда тоби ҳам анга.
("Ғаройиб ус-сиғар")

Тавсифи: Ҳотам сахийлик ва олийжанобликда, Нўширавон эса адолат ва куч-қувват бобида тенгсиздир. Ҳотам – сахийлиги ва олийжаноблиги билан Шарқ мамлакатларида донг таратган бўлиб, VI-VII асрларда яшаган машҳур лашкарбоши ва шоир. У Ямандаги Той қабиласининг бошлиғи, адл-у инсофли яхшилиги билан бутун Арабистон ва Шарқ халқлари орасида Ҳотами Той номи билан шуҳрат қозонган. Нўширавон эса ўзининг одиллиги билан донг таратган подшоҳлардан биридир. Садий Шерозийнинг "Гулистон" асарида келтирилишича, Нўширавон овқат учун озгина туз керак бўлганда ўзининг

аскарларига, тузни пулга сотиб олиб келинглари, деб тайинлайди. Шунда ёнидагилар озгина туз билан халқ қашшоқлашиб қоладими дейишганда, Нўширавон, дунёда дастлаб зулмининг тамали увоқча эди. Бироқ ҳар бир келган подшоҳ уни катталаштирди ва ҳозирги вазиятга келиб қолди. Агар шоҳ халқнинг боғидан бир олма олса, ёнидагилар дарахтнинг илдизи билан қўпориб оладилар, дея жавоб қайтаради. Навоий ушбу байтда Ҳотамнинг сахийлиги, Нўширавоннинг эса адолатли ва кучлилигига ишора қилмоқда.

Бадий асарлардаги образлар асосида шаклланган антономазиялар Навоий асарларида талайгина учрайди. Булар сирасига Фарҳод, Ширин, Қорун, Лайли ва Мажнун, Баҳром, Хусрав, Суҳайл, Муқбил ва Мудбир каби тўқима образларни мисол тарзида айтиб ўтиш мумкин. Шоир ва ёзувчилар насрий ёки назмий асарларининг таъсирини кучайтириш, ғоя ва фикрларини аниқ далиллаш учун улардан фойдаланишади. Мисол:

Жунун кўнглумга Мажнундин эрур ғолиброқ, эй оқил,
Тааққул айласанг савдоға бу мағлуб эмас анча.
("Фавойид ул-кибар")

Мажнунни баъзи манбаларда тарихий шахс, баъзиларда эса фольклорда учрайдиган қаҳрамон дея талқин этилади. Мажнун Арабистонда VII асрнинг 2-ярмида яратилган "Лайли ва Мажнун" достонининг бош қаҳрамони бўлиб, Қўтайбанинг "Китоб иш-шеър ва шуаро", Абул Фароҳ Ал Исфаҳонийнинг "Китоб ул-ағони" асарларида Мажнун тарихий шахс, Бани Омир қабиласидан чиққан асл исми Қайс ибн Муллаваҳ бўлганлиги айтилади. Бироқ араб олими Авон ибн Ҳаким ал-Қалбий ҳамда араб тарихчиси Ҳишом ал-Қалбий қабиларнинг асарларида Мажнун тарихий шахс эмас, балки тўқима образ деган фикр илгари сурилади. Лайли ва Мажнун ҳақида илк бор 1188-йилда озарбайжонлик шоир Низомий Ганжавий достон яратди. Ундан таъсирланиб Абдурахмон Жомий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий, Фузулий қабилар Лайли ва Мажнун ҳақида достонлар ёзишди. Уларнинг умумий мазмуни қуйидагича: Мажнун боғда Лайлини кўриб, унинг гўзаллигидан телба ҳолатга келиб қолади. Мажнун уни кўриш учун тунлари хонасидан чиқиб кетади. Отасининг хизматкорлари ҳар куни Лайлининг эшигини олдида бехуш ҳолатда топиб келар эдилар. Отаси унинг дардини бироз бўлсада йенгиллатиш мақсадида ҳаж зиёратига олиб боради, бироқ бунинг фойдаси бўлмайди. Навоий юқоридаги байтида "Лайли ва Мажнун" достонидаги жунункор ошиқ Мажнунга ишора қилмоқда.

Эрмас улуғ лабингдаки ул юз Суҳайлидин,
Ранг олмади бу қатра ақиқи Яман аро.
("Ғаройиб ус-сиғар")

Ушбу байтда Алишер Навоий бадий асар қаҳрамони мард, ориятли, жасур йигит Суҳайлга ишора қилмоқда. Суҳайл Яман подшоҳи Маъмурнинг ўғли бўлиб, барча касбда моҳир, гўзал йигитлардан бири. У гўзал қиз Меҳрга кўнгили боғлайди. Шунга кўра Меҳрни излаб кемада йўлга чиқади. Йўлда жоҳил қароқчи

Жобирга йўлиқади. У билан жанг қилиб, уни мағлуб этади ва охирида Меҳрнинг висолига етишади. Байтда Суҳайл мард, ориятли, жасур йигит кўчма маъносида қўлланилган бўлиб, у ғазалнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Қуллуғинг доғидин ўлсам, истамон озодлик,
Ким, бу тамғадур нишони Мудбиру Муқбил аро.
("Бадойеъ ул-васат")

Тавсифи: “миннатдорчилик доғида ўлсам озодлик истамайман, ким бу тамғанинг нишони Мудбир ёки Муқбил”. Мудбир ва Муқбил хусусидаги ҳикоятларда келтирилишича: икки дўстан бири йўлсиз, иккинчиси эса тариқат билимдони эди. Бири нуқсонли, иккинчиси эса комил сифатлар эгаси бўлиб, унисининг оти Мудбир, бунисининг оти эса Муқбил эди. Муқбил диндаги комил кишилар, дард-у ўртаниш ҳақида сўзласа, Мудбир бутни васф этувчи кофирларга ўхшаб, фақат нуқсон аҳли, ялтироқ ташқи кўриниш ҳақида сўз юритади. Бир куни уларнинг қаршисидан гўзал шаҳар намоён бўлади. Муқбил фақирлар турадиган кўчага, Мудбир эса фоҳишахонага йўл олади. Муқбил подшоҳ билан суҳбатда бўлиб, олий мартабага эришади. Мудбир эса бир одамни жаҳл устида ўлдириб қуйганлиги сабабли шоҳ томонидан қаттиқ жазога ҳукм қилинади. Байтда шоирнинг икки қарама-қарши, яхши ва ёмон хулқ эгалари Муқбил ва Мудбир ҳақидаги қарашлар ўз ифодасини топган.

Навоий ижодида антономазиялар муҳим ижтимоий-маънавий ғоя ва фикрларни намоён этувчи асосий услубий-бадий воситалардан бири ҳисобланади. Адиб ўзбек мумтоз адабиётидагина эмас, балки Шарқ мумтоз адабиётида, қолаверса, жаҳон адабиётида миқдорига кўра энг кўп антономазиялардан фойдаланган шоирлардан биридир. Шоир шеъриятидаги антономазияларни нисбий тарзда тўрт турга ажратиб, тасниф этиш мумкин: 1) тарихий шахснинг унга оид исмидан фойдаланиб, антономазияни яратиш; 2) муқаддас Қуръондаги киши исмлари воситасида антономазияларни юзага келтириш; 3) бадий адабиётдаги образлар номи билан антономазияларни юзага келтириш.

Шоир асарларида антономазиялар лирик қаҳрамоннинг ташқи қиёфасини тасвирлашдан кўра ички оламига доир хусусият ва белгиларни ифодалаш учун кўп қўлланилган. Унинг асарларида миқдорий жиҳатига кўра муқаддас Қуръондаги пайғамбарлар, диний-афсонавий қаҳрамонлар номларининг антономазия сифатида қўлланилиши кўп учрайди. Ўзбек бадий асарлари, чунончи, Навоий асарларидаги антономазияларнинг лингвопоэтик хусусиятлари бўйича тадқиқ натижалари инсоният бадий тафаккури, эстетик қарашлар ва маданияти тараққиёти босқичлари бўйича муайян билимга эга бўлиш ҳамда тегишли аниқ хулосаларга келиш имкониятини беради. Шунга кўра мазкур мавзунини ўрганиш ўзбек тилшунослигида ҳар доим долзарб ва аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 35-39.
2. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006.
3. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008. – 159 б.
4. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 94 б.
5. Муҳаммад Саййид Тантовий. Пайғамбарлар тарихи. –Т.: Матбаачи, 2016.
6. Саидов Ё. Бобур лирикасидаги антономазияларнинг семантик хусусиятлари // Заҳририддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва меросини ўрганиш дунё талқинида: Халқаро онлайн илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: 2021. –Б. 45-48.
7. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. –Т.: Ҳилол, 2018. -628 б.
8. Худойберганова Д. Прецедент номларнинг антропоцентрик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – № 2. – Б. 40-45.